
Янги маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган йилда 5000 метр ички йўллар таъмирланган бўлса, жорий йилда эса 6000 метрдан зиёдроқ ички йўлларда таъмирлаш ишлари олиб борилади

Бунгача маҳалланинг Истиқлол, Ёшлик, Сурпа, Кимсанобод, Қувонч кўчаларида таъмирталаб ҳолатга келиб қолган 1.6 км қисмига шағаллаштириш, дастурлар асосида 3 км ичимлик суви тармоғи тортиш, 2.9 км асфальтлаш, 700 метр цемент-бетон қопламали йўллар ётқизиш, 1 дона 100 кВт қувватга эга трансформатор пункти, 160 дона бетон таянч устунлари ўрнатиш, 300 метр ёпиқ кабеллар тортиш ишлари амалга оширилди.

Давлат раҳбарининг [қарорига](#) асосан Янги маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Ёшлик", "Шодлик 2", кўчаларининг 6 км, қисмида асфальтлаш жараёни бошланди. Ҳозирда ушбу кўчаларда шағаллаштириш, текслаш ишлари олиб борилиб, йўллар асфальт ётқизишга тайёрланмоқда. Сурпа қишлоғидаги темир йўл кесишмасида автомобил йўли учун кўприк қуриш ишлари ҳам режалаштирилган.

2023-02-06 13:05:14